

VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

Вилоят бўйича жорий йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси 3 115,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,8 % ни ташкил қилди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 230,3 млрд. сўмни (ўсиш суръати 136,1 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 644,1 млрд. сўмни (5,0 фоиз камайиш кузатилди), савдо фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар товар айланмаси 2 240,6 млрд. сўмни (1,3 % га кўпайган) ташкил этди.

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда) таркиби, фоизда (2021 йил январь-март ойларида)




2021 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Нодавлат мулки 3 115,0 млн. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 100,0 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Қарши шаҳри 24,1 %, Чирокчи 11,4 %, Косон 10,5 %, Шаҳрисабз шаҳри 6,3 %, Китоб 6,2 % ва Қамаш 6,1 % туманлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, Шаҳрисабз тумани 3,7 %, Қарши тумани 3,6 %, Миришкор тумани 3,5 %, Муборак тумани 3,3 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.




Қашқадарё вилоятида туман ва шаҳарларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда



Жумладан, 2021 йилнинг январь-март ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,4 % ни ташкил этиб, 74,7 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 % камайиш кузатилди. Бунда жами савдо айланмасининг 95,7 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуши, фоизда



Умумий овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 932,1 минг сўмни ташкил этди. Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Қарши шаҳрида (2 696,7 минг сўмни), Шахрисабз шаҳрида (1 384,6 минг сўмни), Муборак туманида (1 150,9 минг сўмни), Косон тумани (1 121,7 минг сўмни) кузатилди.


Чакана товар айланмаси умумий (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)
(2021 йил январь-март)

	<i>Жами</i>		<i>Аҳоли эсон бошига</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида</i>
Қашқадарё вилояти	3 115,0	101,8	932,1	100,2
Ғузур	117,7	102,2	565,7	100,1
Дехқонобод	141,0	99,2	939,6	97,3
Қамаш	189,5	101,0	688,8	99,6
Қарши	110,9	97,8	438,0	95,8
Косон	326,6	101,4	1 121,7	99,3
Китоб	193,4	100,5	724,8	99,6
Миришкор	109,9	97,1	902,5	95,1
Муборак	101,9	98,9	1 150,9	97,0
Нишон	123,9	96,5	794,8	94,6
Касби	124,3	102,3	621,4	100,3
Чирокчи	356,1	110,0	845,5	107,4
Шаҳрисабз	115,9	98,9	517,3	98,3
Яккабоғ	157,0	99,1	589,2	98,1
Қарши ш.	752,1	102,9	2 696,7	101,6
Шаҳрисабз ш.	194,8	102,7	1 384,6	101,6

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 581,9 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 % га ўсиш кузатилди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2021 йил январь-март ойлари якунларига кўра, 445,1 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 %га камайди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 76,5 %ни ташкил қилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда



Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 22,4 % га ўсиб 136,8 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 23,5 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

(2021 йил январь-март)

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартга нисбатан, % ҳисобида</i>
Қашқадарё вилояти	74,7	99,4
Ғузор	5,4	98,3
Дехқонобод	1,1	99,1
Қамаши	1,6	99,5
Қарши	2,4	100,2
Косон	2,0	101,3
Китоб	6,0	99,3
Миришкор	0,7	98,7
Муборак	6,5	84,5
Нишон	6,9	101,0
Касби	1,4	99,0
Чироқчи	3,6	98,2
Шаҳрисабз	1,3	100,6
Яккабоғ	3,0	99,9
Қарши ш.	30,4	102,8
Шаҳрисабз ш.	2,6	102,0